# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ **"ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА"**ГИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

**2022 ЙИЛ 8 август, ЎРҚ-788-СОН**



Фискал институт

# Қонундаги асосий қоидалар

Қонун **10 та** боб ва **64 та** моддадан иборат

1. Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи умумий қоидалар белгиланмоқда

2. Давлат фуқаролик хизматини тартибга солишда давлат органларининг асосий вазифа ва ваколатлари мустаҳкамланмоқда

3. Давлат фуқаролик хизматчиларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилмоқда

4. Давлат фуқаролик хизмати тизимида коррупциянинг олдини олиш чоралари белгиланмоқда

5. Давлат фуқаролик хизматига кириш, уни ўташ ва тугатиш асослари мустаҳкамланмоқда

6. Давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясининг кафолатлари акс эттирилмоқда

# Қонуннинг амал қилиши

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенати аъзоларининг

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати девонлари ходимларининг

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг

Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг, судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг

дипломатия хизмати ходимларининг *(Қонуннинг 24-модда ва 43-модда)*

Марказий банк бошқаруви аъзоларининг

Прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Миллий гвардия, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати

Президент Давлат хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган давлат хизматчиларининг, ҳарбий хизматчиларнинг

*Давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш* ходимларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди

*(Қонуннинг 3-моддаси)*

# Қонундаги асосий тушунчалар

- **давлат органи** — Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма
- **давлат фуқаролик хизмати** — давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди
- **давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияси** — давлат органининг ваколатларини лозим даражада амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар, малакалар ва кўникмалар мажмуи
- **давлат фуқаролик хизмати лавозими** — давлат органининг ваколатларини амалга ошириш учун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозим
- **Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари** — давлат фуқаролик хизматчилари томонидан риоя этилиши шарт бўлган одоб-ахлоқ нормалари мажмуи
- **малака талаблари** — давлат фуқаролик хизматининг муайян малака даражаси берилиши ва (ёки) давлат фуқаролик хизматининг муайян лавозимини эгаллаш учун талабгор бўлаётган номзодларга нисбатан давлат органи томонидан белгиланадиган, иш тажрибасига ва касбий компетенциясига доир талаблар

*(Қонуннинг 4-моддаси)*

# Давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари

- давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги
- қонунийлик
- адолатлилик
- халққа хизмат қилиш
- давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги
- очиқлик ва шаффофлик
- холислик, профессионаллик ва компетентлик
- давлат фуқаролик хизматига киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги
- давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши

*(Қонуннинг 5-моддаси)*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг
# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
# давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари

## Ўзбекистон Республикаси Президенти *(Қонуннинг 6-моддаси)*

- давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилайди
- давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни белгилайди
- Ваколатларига тааллуқли давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади
- Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси *(Қонуннинг 7-моддаси)*

- вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва бошқа давлат бошқаруви органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради
- Ваколатларига тааллуқли давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади
- давлат дастурлари ва лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди ҳамда уларни тасдиқлайди
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир

ягона давлат сиёсатини, давлат дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади

давлат органларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради

мониторинги ҳамда таҳлилини амалга оширади, такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади

қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади

кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини жорий этади

индикаторлар тизимини жорий этади ва таҳлил қилади ҳамда давлат органлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиришда иштирок этади

кадрларни давлат фуқаролик хизматига танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштиради

АКТни жорий этади ва уларни изчил такомиллаштириб боради ва маълумотлар базасини шакллантиради

ДФХ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тегишли шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади

чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади ҳамда халқаро шартномаларини тузишда иштирок этади

(Қонуннинг 8-моддаси)

# Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми

Давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси **давлат фуқаролик хизматчисидир** *(10-модда)*.

## Ҳуқуқлари *(11-модда)*

- ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда иш ҳақи олиш, алоҳида хизматлари учун рағбатлантирилиш
- мунтазам малакасини ошириб бориш, ушбу даврда лавозимининг ва иш ҳақининг сақланиб қолиши
- белгиланган тартибда меҳнат шартномасига ўзгартишлар киритиш ва шартномани бекор қилиш
- лавозим йўриқномаси ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлган иш ўрнига эга бўлиш
- иш вақтини давомийлигини белгилаш, ҳафталик, байрам кунлари ва меҳнат таътилида дам олиш, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниш
- органнинг қонунга хилоф қарорлари ва мансабдорларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш, ноқонуний топшириқ ва талабларини бажаришдан бош тортиш
- ўзининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси раҳбарият ҳамда мансабдор шахслар томонидан ҳурмат қилиниши, хизматини ўташ вақтида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ва маънавий зиённинг компенсация қилиниши

## Мажбуриятлари *(12-модда)*

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга ва чекловларга риоя этиши
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз бўлиши, шубҳа туғдирадиган ҳаракатлар(сизлик), камситиш, нохолислик ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатдан тийилиши
- ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга хилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги
- сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, олинган маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги
- даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланиши ва фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши

# Давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар




**ПАРТИЯ ВА ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИ**

ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга

**ИМТИЁЗЛАРДАН**

қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга

**ФУҚАРОЛИК**

чет давлат фуқаролигини олишга Республикасидан ташқарида ҳисобварақлар очишга, мол-мулкка эгалик қилишга

**ФОЙДА ВА СОВҒА**

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга

**ЯҚИН ҚАРИНДОШЛИК**

уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунишига ёки унинг назорати остида бўлишига

**БОШҚА ФАОЛИЯТ**

педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга

**ТАДБИРКОРЛИК**

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ва тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга

**ҲИССАДОРЛИК**

ўзи хизмат қилаётган давлат органи ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга

# Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш



**Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар** *(Қонуннинг 15-20-моддалари)*

- давлат фуқаролик хизматчилари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга **йўл қўйилмаслиги**
- хизматчиларининг **одоб-ахлоқ қоидаларига** риоя этилишини таъминлаш
- манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилишнинг асосларини яратиш, уларга **риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат** ўтказиш
- давлат фуқаролик хизматчисининг даромадлари ва мол-мулкини **декларациялаш тизимини жорий этиш**
- давлат фуқаролик хизматчиси томонидан **совғалар олиш** ва **бериш** тартибини белгилаш
- давлат фуқаролик хизматчисининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш
- қонунчиликда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин

# Давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТИЗИМИ

танлаб олиш, ҳисобга олиш, жой-жойига қўйиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, касбий компетенциясини ошириш ва хизматда лавозим бўйича кўтариш

## ЛАВОЗИМЛАРНИНГ МАЛАКА ДАРАЖАЛАРИ

лавозимларининг гуруҳлари ва тоифаларидан келиб чиққан ҳолда лавозимларга малака даражалари берилади

## ЛАВОЗИМЛАРИНИНГ ДАВЛАТ РЕЕСТРИ




давлат органи даражаси (**миллий, республика, ҳудудий ва туман**), малака талаблари, лавозимларининг гуруҳлари ҳамда тоифалари ва малака даражаларидан иборат бўлади

## МИЛЛИЙ КАДРЛАР ЗАХИРАСИ

кадрлар захирасига марказлаштирилган ҳолда саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш тизимидир

## ЛАВОЗИМЛАРИНИНГ ГУРУҲЛАРИ ВА ТОИФАЛАРИ

хизмати лавозимлари **сиёсий, бошқарув ва ёрдамчи** лавозим гуруҳларидан иборатдир

## МОНИТОРИНГ

ягона ташкилий-ҳуқуқий механизмларни қўллашнинг бир хил амалиётини таъминлашда махсус ваколатли давлат органи давлат органида мониторинг ўтказади

| Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гуруҳлари | Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг тоифалари | Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг малака даражалари |
|---|---|---|
| **Сиёсий** | Раҳбар кадрлар | Олий даражали маслаҳатчи<br>1-даражали маслаҳатчи<br>2-даражали маслаҳатчи<br>3-даражали маслаҳатчи |
| **Бошқарув** | Бошқарув кадрлари | 1-даражали хизматчи<br>2-даражали хизматчи<br>3-даражали хизматчи |
| **Ёрдамчи** | Мутахассислар | 4-даражали хизматчи<br>5-даражали хизматчи<br>6-даражали хизматчи |

*Давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражалари қоида тариқасида, изчил тартибда, олий маълумотга ва муайян иш стажига, малака ошириш курсларини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатга, малака комиссиясининг ижобий хулосасига эга бўлган тақдирда берилади.*

# Давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш шартлари



ТЕГИШЛИ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИГА ВА БОШҚА ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ

ЧЕТ ЭЛ МУТАХАССИСЛАРИ ВА ЭКСПЕРТЛАРИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ЛАВОЗИМЛАРИНИ ҚОНУНЧИЛИКДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, агар давлат фуқаролик хизмати лавозимига доир малака талабларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар

Суд қарори билан лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар

коррупцияга оид жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахслар

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар

тиббий хулосага асосан соғлиғининг ҳолати давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш имконини бермайдиган шахслар

Чекловларга риоя этишни рад қилган шахслар!

# Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш



# Давлат фуқаролик хизматини ўташ тартиби *(Қонунинг 7-боби)*




**ИШ ВАҚТИНИ**

<u>Беш кунлик иш ҳафтаси</u> белгиланади. Бунда иш вақтининг давомийлиги <u>ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак</u>

**ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИНИ**

мансаб ваколатларини, хизмат мажбуриятларини ва жавобгарлигини белгилайдиган ҳужжатдир

**ФАОЛИЯТНИ БАҲОЛАШНИ**

холисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилишини таъминлаш учун унинг фаолиятини бахолаш тизими

**ЛАВОЗИМ БЎЙИЧА КЎТАРИЛИШНИ**

ўз касбий компетенциясини ошириб бориши ҳисобига хизмат фаолиятининг натижадорлиги асосида юқорироқ лавозимга тайинлаш ёки юқорироқ малака даражасини бериш орқали амалга оширилади

**ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРА**

ҳайфсан;
ўртача ОИҲнинг 30%дан кўп бўлмаган миқдор;
малака даражасини пасайтириш;
лавозимини пасайтириш;
эгаллаб турган озод қилиш.

**ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРТИБИНИ**

базавий лавозим маоши;
кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов;
малака даражаси учун қўшимча тўлов;
KPI учун қўшимча устама;
рағбатлантириш тўловлари.

**РОТАЦИЯ**

Ротация шахсий ва касбга оид сифатини ривожлантириш, фаолияти самарадорлигини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади

**БОШҚА ХИЗМАТ ЛАВОЗИМИГА ЎТКАЗИШНИ**

Бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказиш унинг ёзма розилиги билан амалга оширилади

# Интизомий жазо чораларини қўллаш муддатлари *(Қонуннинг 48-моддаси)*

**Муддатидан илгари олиб ташлаш**

раҳбар интизомий жазо чорасини ўз ташаббусига кўра

давлат фуқаролик хизматчисининг бевосита раҳбарининг, касаба уюшмасининг илтимосномасига биноан

давлат фуқаролик хизматчисининг илтимосига кўра

**Амал қилиши**

- қўлланилган кундан бошлаб бир йил давомида
- мазкур муддат ичида янги интизомий жазо чораси қўлланилмаган бўлса
- тегишли қарори чиқарилмаган ҳолда, автоматик тарзда тугайди



**Интизомий жазо чораси дарҳол қўлланилади**

бироқ интизомий қилмиш аниқланган кундан эътиборан **бир ойдан** кечиктирмай қўлланилади

**Қўллаш мумкин эмас**

- вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган даврда
- таътилда ёки хизмат сафарида бўлган даврда
- фавқулодда вазият ёки ҳарбий хизматни ўташда мажбуриятларидан озод этилган даврда
- қайта тайёрлашда, малака оширишда бўлган ва таълим олаётган даврда

**Интизомий жазо чораси**

- қилмиш содир этилган кундан эътиборан **олти ойдан кечиктирмай**
- тафтиш ёки молия-хўжалик фаолиятини текшириш ёхуд аудиторлик текшируви натижаларига кўра **икки йилдан кечиктирмай**

# **Хизмат текшируви** *(Қонуннинг 48-моддаси)*

## ЎТКАЗИШ МУДДАТИ ВА НАТИЖАСИ

- ўн беш иш кунидан ошмаслиги
- Раҳбар комиссиянинг асослантирилган важлари асосида яна ўн беш иш кунигача узайтиришга ҳақли
- комиссиянинг далолатномаси тузилади
- интизомий жазо чорасини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги хулоса тайёрланади
- хулоса раҳбар томонидан рад этилиши
- интизомий жазо чорасини қўллаш учун асос бўлиши мумкин



## ЎТКАЗИШ УЧУН АСОС

- раҳбарнинг қарори
- хизматчи ёзма аризаси *(ўзига нисбатан асоссиз айбловлар қўйилган ёки хулосалар чиқарилганда)*

## ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯ

- кадрлар бўлинмаси
- юридик хизмати
- бошқа бўлинмалари
- касаба уюшмаси

Раҳбар ва хизмат текшируви натижасидан манфаатдор бўлганлар кириши **мумкин эмас!**

## интизомий қилмишда АНИҚЛАНИШИ ЗАРУР

- унга сабаб бўлган ҳолатлар ва шарт-шароитлар
- айблашнинг асослилиги ёки асоссизлиги
- етказилган зарарнинг ўзига хос хусусияти ва миқдори
- хизматчининг тушунтиришлари ва ёзма равишда берган талабларида кўрсатилган важлар

# Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг тугатилиши (Қонуннинг 8-боби)

**фаолиятни тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади**

1. меҳнат шартномани бекор қилинганлиги
2. фуқаролигини йўқотилганлиги
3. Хизматни истисно этувч жазога доир суд ҳукми
4. тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси суд ажрими
5. ёлғон ахборот тақдим этилганлиги
6. коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги
7. чекловларга риоя этилмаганлиги
8. фаолият тугатилганлиги ҳуқуқий мақомнинг йўқотилишига сабаб бўлади

# Давлат фуқаролик хизматчисини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш *(Қонуннинг 9-боб)*

давлат органининг қонунга хилоф қарорлари

мансабдорнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (сизлиги)

устидан юқори турувчи органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли

*(52-модда)*

ижтимоий жиҳатдан **ҳимоя қилиш**: *(53-модда)*

меҳнат ва ижтимоий таътиллар;

ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш;

ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

давлат пенсия таъминоти.

**ижтимоий ҳимоя чоралари**:

тиббий хизмат кўрсатиш;

ротация тартибида бошқа хизматга ўтказилиши билан боғлиқ *(яшаш ва транспорт)* харажатларининг ўрнини қоплаш;

хизмат уй-жойлари, хизмат транспорти билан ёки уй-жой ва транспорт харажатлари учун пулли компенсация билан таъминлаш.

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қонунчиликда белгиланган асосларда ва миқдорларда тўланадиган барча турдаги ижтимоий нафақалар татбиқ этилади

Ижтимоий нафақаларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади

# Давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнат ва ижтимоий таътиллари
*(Қонуннинг 54-моддаси)*

Давлат фуқаролик хизматчисига давомийлиги йигирма етти календарь кунидан кам бўлмаган йиллик асосий таътил берилади

Давлат фуқаролик хизматчисига кўп йиллик хизмати ва алоҳида меҳнат шароитлари учун йиллик қўшимча меҳнат таътиллари берилади

Кўп йиллик хизмати ва алоҳида меҳнат шароитлари учун йиллик қўшимча меҳнат таътилларини бериш тартиби ҳамда уларнинг давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади

Давлат фуқаролик хизмати лавозимининг тоифасига қараб қонунчиликда йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътилларининг бошқача давомийлиги белгиланиши мумкин

Давлат фуқаролик хизматчисига ижтимоий таътиллар бериш меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади *(ҳомиладорлик, туғиш ва бола парваришлар ҳамда таълим олиш ва ижодий таътиллар)*

# Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва Давлат пенсия таъминоти

## Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш *(56-модда)*

- Хаёти ёки соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалинганлиги ёки соғлиғи ўз хизматида етказилган зарар давлат органи томонидан қопланади
- Вафот этганда, йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла тўланадиган нафақа уларнинг сонига тенг тақсимланган ҳолда берилади
- мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Ўз. Респ. Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланади ва кейинчалик айбдордан ундирилади
- Хаёти, соғлиғига зарар етканда ёки вафот этганда зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар Ўз.Респ. Давлат бюджетидан амалга оширилади

## Давлат пенсия таъминоти қоплаш *(57-модда)*

- Фуқароларига тайинланадиган барча турдаги давлат пенсиялари давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан қонунда белгиланган асосларга кўра қўлланилади
- Вафот этган давлат фуқаролик хизматчисининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга
- Пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади
- Пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш тартиби, миқдорлари ҳамда қўшимча ижтимоий кафолатлар фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти қонунчилигига кўра белгиланади